

ТОШКЕНТ ХАЛҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАҲАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 48 (795)

8

МАРТ
ЖУМА
1957 ЙИЛ

БАҲОСИ
20 ТИНИН

Халқаро хотин-қизлар куни

Бугун 8 Март — Халқаро хотин-қизлар куни. Коммунизм қураётган совет халқи билан биргаликда улуғ хитой халқи, халқ демократияси мамлакатларининг меҳнаткашлари, бутун прогрессив инсоният бу шонли кунни нишонламоқда.

Совет халқи бу йил Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартни коммунизм қурилиши ишида катта муваффақиятлар билан кутиб олди. Ижодкор совет кишилари партиянинг XX съезди қарорларини оғиммай амалга ошира бориб, социалистик сановатни, айниқса оғир индустрияни зўр бериб ривожлантиришмоқдалар. Қишлоқ хўжалигини кескин юксалтиришда катта ютуқлар қўлга кiritилиди. 1956 йил пилани сановат маҳсулотининг ҳажми бўйича ошириб бажарилиди. 1956 йилда 1955 йилдан илдиққо қараганда бир миллиард пулдан илдиққо қараганда кўп тайерланди. Сановат ва қишлоқ хўжалигининг юксалиши натижасида халқ фаровонлиги тўхтовсиз ўсиб бормоқда. КПСС Марказий Комитетининг декабр ва февраль Пленумлари мамлакатимиз экономикаси ва маданиятини янада юксалтиришнинг кенг перспективаларини очиб берди. Совет халқи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги шарафига социалистик мусобақани янада қийинлаштириб, партиянинг XX съезди, КПСС Марказий Комитети декабр ва февраль Пленумлари қарорларини амалга ошириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Партиянинг томонидан белгиланган коммунизм қурилишининг буюк вазифаларини амалга оширишда совет хотин-қизлари актив қатнашмоқдалар, улар коммунизм қурувчиларининг олдинги сафларида бормоқдалар. Совет хотин-қизлари сановат корхоналарида, колхоз ва совхозларда, МТСларда, илмий ва маданий муассасаларда, партия ва совет органларида аркаклар билан бирга фидокорона меҳнат қилиб, партия ва ҳукуматимиз тошмириларини ҳалоллик билан бажармоқдалар, бевосита ишлаб чиқаришда ишлаб ҳудудий бойликлар яратмоқдалар, хўжалик ва маданий қурилишда раҳбарлик қилмоқдалар.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси тўғрисида қўллик ва миллий зулм қишларидан абадий озод бўлган ўзбек хотин-қизлари совет ҳокимияти йилларида социалистик жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзолариға, коммунистнинг актив қурувчилариға айланган. Коммунистик партиянинг доно ленинча миллий сиёсати натижасида Совет Иттифоқидаги барча миллат хотин-қизлари каби ўзбек хотин-қизлари ҳам мамлакатимиз хўжалик ва маданий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётида аркаклар билан тенг ҳуқуқда қатнашмоқдалар.

Совет хотин-қизлари социалистик сановат корхоналаримизда фидокорона меҳнат қилмоқдалар, қишлоқ хўжалигида эса хотин-қизлар катта кучдир. Улар пахтачилик, чорвачилик, иппакчилик маҳсулотлари, картошка ва сабабот етиштиришда алоҳид меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. 1956 йилда пахтадан муҳ ҳосил етиштирилганлиги учун обштинлик бўйича 680 хотин-қиз СССР орден ва медаллари билан мукофотланди. Обштинликда 8 хотин-қиз Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган Олий унвонга сазовор бўлди. Улар орасида Дилқоз Абдуллаева, Саодат Гулзаҳмедова, Соҳиба Гулмоҳомедова, Муבורак Илдошова, Қарамат Тошқулатова, Тўхта Абдуллаева ва бошқалар бор.

Совет хотин-қизлари маданий қурилишимизда актив қатнашмоқдалар.

Гана Бош Министри Куаме Нкрума жанобларига
СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганиннинг
телеграммаси

ГАНА БОШ МИНИСТРИ
КУАМЕ НКРУМА ЖАНОВ
ОЛИЛЛАРИГА

Акира

Гана давлатининг муваққиллиги аълон қилинган кунда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Министрлар Совети ва шахсан мен Сизга, Бош Министр Жановларига ва Сиз орқали Гана Ҳукумати, шунингдек Гананинг бутун халқига шу шонли кун муносабати билан сажимий табрикларимизни йўллаймиз.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг VI қақриқ биринчи сессиясини чақиритиш тўғрисида

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шаҳар Советининг барча депутатларига маълум қиладики, шу йил 11 март душанба кунини соат 17 да Тошкент шаҳар Советининг VI қақриқ биринчи сессиясини бўлади.

Сессия А. Навоий номидаги опера ва балет театри биносидида очилади. Депутатлар шу ернинг ўзидида соат 16 дан бошлаб рўйхатга олинади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

Совет Иттифоқидаги хотин-қиз ишчиларга, колхозчиларга, фан, техника, маориф, маданият ва соғлиқни сақлаш арбобларига, барча хотин-қизларга!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети хотин-қиз ишчи ва колхозчиларини, инженер ва техникларини, қурувчилар ва хизматчиларини, ўқитувчилар ва врачларини, адабиёт ва санъат арбобларини, мамлакат халқ хўжалигининг турли тармоқларида меҳнат вахтасида турган барча совет хотин-қизларини, пенсионерларини, меҳнат ветеранларини, ўз кучларини болалар тарбиясига бағишлаган барча оналарни Халқаро хотин-қизлар куни билан қизгин табриклайди ва қутлайди.

Халқаро хотин-қизлар куни 8 март — бутун дунёдаги меҳнаткаш хотин-қизларнинг бирдамлик кунидир.

Бу йил Халқаро хотин-қизлар куни умумхалқ байрами — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигига тайёргарлик қилиётган бир вақтга тўғри келди. Совет халқи коммунистик қурилишининг КПСС тарихий XX съезди томонидан қўйилган вазифаларини амалга ошириш учун, олтинчи беш йиллик иккинчи йили пиланини тўла ва ошириб бажариш учун гоят баланд руҳ билан қурашмоқда. Меҳнаткашларнинг янгидан-янги отрядлари Октябрьнинг 40 йиллиги шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақага қўшилмоқдалар. Бизнинг Ватанимиз совет давлатининг элликкинчи йиллигига коммунизм йўлидан дадил олға бораётган қудратли энгилмас давлат сифатида қадам қўймоқда.

Мамлакатимизнинг меҳнаткаш хотин-қизлари инсоният тарихида янги давр очган Октябрь революциясининг ғалабасида жуда катта роль ўйнади. Минг-минглаб хотин-қизлар чоризмга қарши, помешчик ва капиталистлар ҳукмронлигига қарши революцион қурашда, Октябрь баррикадаларида, граждандар уруши жанг майдонларида чинакам қаҳрамонлик кўрсатдилар. Совет хотин-қизлари дастлабки беш йилликлар даврида, Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида, урушдан кейин экономика ва маданиятни тиклаш ва янада ривожлантириш йилларида мислсиз фидокорлик билан меҳнат қилдилар. Совет давлати тараққиётининг барча этапларида социалистик қурилишнинг эришган муваффақиятлари совет хотин-қизларининг актив ва фидокорона ишлари билан чамбарчас боғланган.

Коммунистик партия хотин-қизларини хўжалик ва маданий қурилишга жалб этишга доим катта аҳамият бериб келди. Улуғ Ленин миллион-миллон хотин-қизлар Совет ҳокимияти бошлаб берган ишда қатнашганлариди «Россияда социалистик қурилиш шўқалар мустақкам бўладики, бошқа мамлакатлардаги ҳар қандай ташқи душманлар ва Россиянинг ўзидидаги душманлар Совет республикасига қўрқинчи бўлмайди», деб 1919 йилдаёқ кўрсатиб ўтган эди. Ленин васиятларига содиқ бўлган совет хотин-қизлари ўзларининг бутун кучларини коммунистик жамият қурилишига сарф қилмоқдалар.

Бизнинг мамлакатимизда Октябрь революцияси ғалабаси натижасида вужудга келган ва қарор топган социалистик тузум хотин-қизларга озодлик, эркинлик, тенг ҳуқуқлилик келтирди. Социалистик тузум уларни эксплуатациядан зanjиридан озод қилди ва уларга давлат, хўжалик, маданий ва ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида ўз ақл-идроклари, ташкилотчилик талантлари ва ижодий қобилиятларини кўрсатишлари учун кенг имконият яратиб берди.

Совет ҳокимияти йилларида хотин-қизларнинг тамомилан янги авлоди ўсиб етишдики, уларнинг маънавий гузаллиги, мардлиги ва продаси билан, коммунизм ишлари сadoқати билан бизнинг халқимиз фахрланмоқда, бутун дунё меҳнаткашлари фахрланмоқдалар. Совет хотин-қизлари бутун инсоният олдида янги жамиятнинг оғил ва ишчан ижодчиси сифатида намоён бўлишди. Совет хотин-қизларининг маданий савияси бениҳоят ўсди. Олий маълумотли мутахассисларнинг 53 процентини хотин-қизлар ташкил этади; 480 минг хотин-қиз инженер ва техник бўлиб ишламоқда, СССРда хотин-қизлардан 265 минг врач, 1 миллион 164 минг педагог бор. 86 мингдан ортиқ хотин-қиз фанининг турли соҳаларида ишламоқда.

Совет халқи хотин-қизларини давлатини бошқариш ишларига — СССР Олий Совети, иттифоқчи ва автоном республикаларининг Олий Советларига, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига дадил кўтармоқда. Совет хотин-қизлари жамоат бойлигини қўпайтириш учун, сановатда техникани тараққий эттириш учун, иқтисодий тежаш ва юксак меҳнат унумдорлиги учун, қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама юксалтириш учун, уй-жой қурилиш программасини бажариш учун, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини янада кўтартиш учун, болаларни оилада ва мактабда коммунистик руҳда тарбиялаш учун актив қурашчидилар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати мамлакатимиз хотин-қизларининг фидокорона меҳнати гоят қадрламоқдалар. Совет хотин-қизлари — ишчилар, колхозчилар, ўқитувчилар, фан ва санъат арбобларидан бир миллиондан ортиқ киши СССР орден ва медаллари билан мукофотланди, 2,359 хотин-қиз Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ва 70 хотин-қиз Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвон олди. Қўриқ ерларини ўзлаштириш учун мукофотланганлар орасида хотин-қизлар кўп.

Бизнинг мамлакатимизда оналар гоят ҳурмат қилинмоқда. 51,693 аёлга «Қаҳрамон она» деган фахрли унвон берилди, 5,432,576 аёл «Оналик шўҳрати» орденлари ва «Оналик медали» медаллари билан мукофотланди. 1956 йилда кўп бола ва болали ёлғиз оналарга 8,400 миллион сўм нафақа тўланди. Ҳомиладорлик ва туғиш юзасидан бериладиган ошхона мудлати узайтирилди, болалар боғчалари, яслилар, ошхоналар, болали оналар учун санаторийлар шахобчалари кенгайди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети

«Советская женщина» журналининг
редакциясига СССР Министрлар Советининг
Раиси ўртоқ Н. А. Булганиннинг хати.

«Советская женщина» журналини қўқувчи совет ва чет эл хотин-қизларини Халқаро хотин-қизлар куни — 8 март билан табриклайман.

Турли мамлакатларнинг хотин-қизлари ўртасидаги дўстлик йилдан-йил мустаҳкамланиб ва улар ўртасидаги муносабатлар ривожланиб бормоқда. Бу ҳозир барча яхши ниятли кишиларни ҳаяжонга келтириб турган тинчликни сақлаш проблемаларини ҳал қилишга ёрдам беради. Халқаро кескинлигини юмшатаман.

тишга ва мамлакатлар ўртасида ишчи ўрнатишга ёрдам беради. Маълумки, хотинлар-оналар, ўз болаларининг ҳаётини ва келажакини ҳимоя қилишнинг бошқа ҳар қандай кўра кўпроқ ороу қилдиладар шу сабабли улар бутун дунёда тинчлик ҳамда ҳавфсизлик учун тобора актив қурашмоқдалар.

Хотин-қизларга уларнинг энг яхши умид ва орузларининг рўёбга чиқишини чин қўнғилдан истабман.

Н. БУЛГАНИН.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ХОТИН-ҚИЗ ИШЧИ ВА КОЛХОЗЧИЛАРНИ, ИНЖЕНЕР ВА ТЕХНИКЛАРНИ, ҚУРУВЧИЛАР ВА ХИЗМАТЧИЛАРНИ, ЎҚИТУВЧИЛАР ВА ВРАЧЛАРНИ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ АРБОБЛАРИНИ, МАМЛАКАТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ТУРЛИ ТАРМОҚЛАРИДА МЕХНАТ ВАХТАСИДА ТУРГАН БАРЧА СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИ, ПЕНСИОНЕРЛАРНИ, МЕХНАТ ВЕТЕРАНЛАРИНИ, ЎЗ КУЧЛАРИНИ БОЛАЛАР ТАРБИЯСИГА БАҒИШЛАГАН БАРЧА ОНАЛАРНИ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ БИЛАН ҚИЗГИН ТАБРИКЛАЙДИ ВА ҚУТЛАЙДИ.

Совет рассомларининг Бутуниттифоқ биринчи съездида

6 мартда рассомларнинг Бутуниттифоқ съезди ўз ишини давом эттирди. Расслик қилувчи — Латвия ССРда хизмат кўратган санъат арбоби Э. Калиньс венгер рассоми Шандор Экданд олинган табрикни ўқиб берди.

Шундан кейин Л. Григорашенко (Молдавия ССР) нутқ сўзлади.

Қарсақлар билан кутиб олинган Корея рассомлари союзнинг раиси Тен Гван Чер минбағи чиқди. У, съезд қатнашчиларига Корея рассомларининг саломини топширади. Расслик қилувчи съезде келган меҳнаткаш аёл рассомлар — Элена Урта, Селия Кальдерон де ла Баркаларга сўз беради.

Музокараларда Белоруссия ССРда хизмат кўратган санъат арбоби Е. Зайцев сўзга чиқди.

Расс съездида бўлган музокараларда 70 киши сўзлаганини айтди. Съезд қатнашчилари музокараларини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Совет рассомлари союзи Ташкент комитетининг раиси В. В. Югансов охирги сўзини айтди.

Г. Тимошин Совет рассомлари союзининг Устави тўғрисида доклад қилди.

Шундан кейин СССР Бадий академиясининг ҳақиқий аъзоси А. П. Кибальцов бадий фондининг фаолияти ҳақида доклад қилди. Шундан сўнг съезд делегатлари Совет рассомлари союзи правленчесини ва марказий ревизия комиссиясини сайлашга киришдилар.

Съезд ўз ишини давом эттирмоқда. (ТАСС).

Тошкент область Советининг сессияси

Кеча «Угосстрада» театрининг биносидида меҳнаткашлар депутатлари Тошкент област Советининг олтинчи қақриқ биринчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияни депутат И. Полванов очди.

Область Советининг сессияси мандат комиссияси раиси депутат Ш. И. Исламовнинг докладини эшитди.

Тошкент область Советига депутат қилиб 252 киши сайланган. Сайлов барча сайлов округларида Ўзбекистон ССР Конституцияси ва сайловлар тўғрисида Низомга тўла мувофиқ равишда ўтказилган. Овоз беришда сайловчиларнинг деярлик ҳаммаси иштирок этиб, улар коммунистлар билан партиясаналар блокнинг кандидатурини учун ақдодлик билан овоз бергандар.

Сессия мандат комиссиясининг докладини тасдиқлади ва 252 депутатнинг ваколатини тўғри деб топди.

Сессия область ижроия комитетининг сессияни 11 кишидан иборат қилиб сайлади. Область Совети ижроия комитетининг раиси қилиб депутат Х. Ж. Жалилов сайланди. Область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари қилиб депутат Б. Г. Мирзабобоев, ижроия комитет раисининг ўринбосарлари қилиб депутатлар — А. Н. Скляров, Қ. М. Мақамов, И. И. Буришев ўртоқлар сайландилар. Ижроия комитетининг секретари қилиб депутат Х. Р. Қобилов сайланди. Бу ўртоқлардан ташқари область ижроия комитетининг аъзолари қилиб депутатлар — И. Ю. Юнусов, Б. В. Попов, Г. Толипов, Я. К. Зальчибеков, С. Н. Нуриднов ўртоқлар сайландилар.

Область Советининг сессияси депутат Г. Толиповни обштиннинг раиси қилиб, депутат И. Ю. Юнусовни область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи қилиб, депутат Я. К. Зальчибековни область молия бўлимининг мудирини қилиб, депутат А. Қодировни область халқ маорифи бўлимининг мудирини қилиб, депутат Б. И. Хошимовни область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудирини қилиб, депутат Х. Х. Ходиковни область социал тазминот бўлимининг мудирини қилиб, депутат А. А. Севуянини область МВД бошқармасининг бошлиғини қилиб, депутат И. Полвановни область сугорилиш системаси бошқармасининг бошлиғини қилиб, депутат Н. К. Киргизбобоевни область маданият бошқармасининг бошлиғини қилиб, депутат Г. А. Гайковни область автотранспорт ва тош йўллар бошқармасининг бошлиғини қилиб, депутат В. Е. Рузинини область қурилиш ва архитектура бошқармасининг бошлиғини қилиб, депутат Г. А. Бурдинини область дарё транспорт бошқармасининг бошлиғини қилиб, депутат Г. И. Гончаровни область ижроия комитети умумий бўлимининг мудирини қилиб тасдиқлади.

Область Советининг сессияси 12 та доимий комиссия раисларини ва унинг аъзоларини тасдиқлади.

Яшасин Халқаро хотин-қизлар куни — 8 март!

Тошкент области қишлоқ хўжалик илғорларининг кенгаши

Кеча Навоий номи опера ва балет театри биносидида область қишлоқ хўжалик илғорларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашга област миқ колхозларидан келган илғорлар, МТС ва совхоз ишчиларининг юборган нахиллари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, МТСларнинг, шунингдек район партия ва совет ташкилотларининг раҳбар ходимлари, шаҳардаги сановат корхоналарининг вакиллари, область партия, совет ташкилотларининг раҳбар ходимлари қатнашдилар. Кенгашда

республика партия ва совет органлари, министрликлар ва бошқа илғорларнинг раҳбарлари ҳамда уларнинг вакиллари ҳам ҳозир бўлди.

Кенгашда «Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ҳамда чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш вазифалари тўғрисида» область партия комитетининг секретари ўртоқ С. Нуриднов доклад қилди. Доклад юзасидан музокара қилинди. (Газетамизнинг навбатдаги сонидида кенгаш тўғрисида тўла ҳисобот берилади).

Офарин Сизга, Ватаннинг фидокор хотин-қизлари!

Областимизнинг илғор хотин-қизлари



Соҳибaxon Гуломxонова — Пискент районидagi Сталин номли колхоз аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Лайло Солихова — Оржоникидзе районидagi Маленков номли колхоз аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.



А. И. Райкова — В. И. Ленин номли Ўрта Осн Давлат Ун-верситетининг профессора.



А. Жутова — Тошкентдаги канон-интирув фабрикасининг ишчиси.



Э. Маликбоева — Ҳамза номли театрининг артисткаси.

УНИНГ ҚАЛБИ...

М. ШАЙХЗОДА

У бизнинг онамиз,
Эки синглимиз,
У бизга сингилу,
Қизига она,
Бари бир эмасин
агар дилимиз—
Бир Ватан бағрида тепса ягона!
У эркак боғига киргандан бери
Ватаннинг ери
Унинг ўз табарруқ хонаси бўлди,
Бу хона тирилик нурига тўлди.
Ильчининг чироғи —

Шу ёруғ уйларга
дардининг йўли бери,
Ҳар она,
ҳар хотин орзу-тилагин:
«Бор бўлсин тинчлиги, омон бўлсин эрки!
Ҳеч шикаст эмасин сув кўзалари!
Еруғсиз қолмасин деразалари!»
У элнинг инболини,

Ватанни ўйлар,
дала,
Хонаси келганда хўп айтур алла,
Пайти келганда нотиндай сўйлар...
У раис:

планин бажарар, севар;
У:
пахта жангида устанор, чевар.
У доктор:
хунари — насалга шифо,
Меҳри ва шафқати ўзи бир даво...
У бир муаллима:
юртнинг фарзанди
Алифни ёзмақни ундан ўрганди,
«Ватан»
ва
«Партия» сўзларин аввал

Машқ қилиб ёздирар
авлодларга у,
Бу улуг сўзларни ёзarkan ҳар гал,
Уни хотирлаймиз умрбод,

У пухта инжениер:
унинг амрилла
Машина юради мисоли аскар,
У ишчи:
эгнига жоманор-ила
Коммуна йўлида бўлиш сафарбар.
У машҳур нўшиқчи:

қуйласа ҳар бор,
Унга жўр қилади савгили диёр.
У давлат арбоби:
унинг имзоси
Ишларга янундир
ва ёки режа.

Большевик партиясин лейнч аъзоси
Постада устивор
кундуз ва неча...
Сен гоёт улуссан, совет аёли,
Қалбингга ёзуғиқ аслик нанши,
Вафодор, одобли, доно хайли...
Шоир хайли
Қанча маътай олса ундан ҳам яхши.
Истаيمان:

бахтингга қўнамсин ғубор,
Сира йўлиқмасин балога
Қалбинг,
Хандасиз, кулгусиз қолмасин лабинг,
Азизинг,

йиллар бор,
ҳали йиллар бор!
Ҳали ўқилмаган китобимиз бор,
Сен ила саволу-жавобимиз бор.
Уртоқсан,
онасан,
савгили ёрсан,
Коммуна кўши остида борсан!..

Областимизнинг илғор хотин-қизлари



Карамат Тошпўлатова — Ўзбекистон Республикаси раён комитетининг секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

С. Калприосова — Ўрта Чирчиқ районидagi Ворошилов номли колхоз аъзоси.

Устозимдан ўргандим

Мен 1939 йилда шу мактабга ўқитувчи қилиб тайинландим. Дастлаб 3-4-синфларга дарс бериб ўрдим. Мен бу синфдаги болаларнинг ҳулқ-атвори, юриш-туриши, уларга муомала қилиш йўллариини секин-аста ўрганиб бордим. Ана шу педагогик йилларимда бироз тажриба ортирдим, коллективимиздаги кекса ўқитувчилардан ёрдам ва кўмак олиб турдим. 1950 йилга келиб менга 1-синф болаларига дарс беришни топширишди. Мана шу пайтда бизнинг педагогик касбимиз назорат мураккаб ва шарафли ҳунарлардан бири эканини сездим. Эндигина мактаб оловасига оёқ қўйган, бутун фикри-ишлари ўйин билан банд бўлган ёш болаларга билим бериш, уларга алоқибани ўргатиш, уларни тўғри фикрлашга, аниқ сўзлашга ўргатиш жуда ҳам қийин иш экан. Шунда мактабимизнинг кекса ўқитувчиларидан Халича Аминованинг менга қилган ёрдамларини эсло унутмайман.

Мен Халича опанинг дарсларига кириб ўтирдим. Опанинг биринчи марта билим даргоҳига оёқ қўйган болалар билан дастлаб танишиб олиши, уларга ўзини мактабда, кўчада қандай туғиш кераклиги ҳақида қизиқарли суҳбат ўтказиш, уларга низоҳатга меҳрибон, ғамхўр оналардек самимий муносабатда бўлиш менда жуда яхши таассуротлар қолдирди. Мен 1-синф болалари билан қандай ишлаш кераклигини ҳақида опадан муфассал маслаҳатлар олдим.

Бу йил Халича опа СССР Олий Советининг давлат пенсиялари ҳақидаги Қонунига мувофиқ пенсияга чиқди. Лекин у ўз шогирдларини, ўзининг ўқувчиларини, айниқса, 1-синфга келган қўноқ болаларни тез-тез келиб кўриб туради. Мактабимиз коллективини республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, кекса ва тажрибали педагог Халича Аминовани хотин-қизлар байрами — 8 март кунин билан қутламоқдалар.

Чаман УСМОНОВА,
Октябрь районидagi 16-мактаб ўқитувчиси.



Шамсиддин Гоббунов — Тошкентдаги «Художник Ўзбекистани» артелининг раиси.



Рахбар Еқубова — Тошкентдаги Ильич номли завод ишчиси.



Манзура Раҳматуллаева — ўн бир болани тарбиялаб ўстирган қаҳрамон она.

Мирзачўлга келинг, дугоналар!

Азиз дугоналар, биз «Тошкент ҳақиқати» газетаси орқали сизларни халқаро хотин-қизлар Кўни муносабати билан табриқлаётимиз ва қиз-қизларнинг саломатлигини йўлаймиз. Биз жонажон Ватаннинг турли шаҳарларидан бу ерга — Мирзачўлга келганмиз. Биримиз Самарқанддан, биримиз Ригадан, биримиз Фарғонадан, биримиз Ленинграддан. Ҳаммамиз ҳам бир жон-бир тан бўлиб, Мирзачўлни ўзлаштираётимиз.

Однимизга гоёт катта вази-фалар турбиди. Вази-фаларнинг чиликларига дуч келмоқдамиз. Бироқ бу қийинчиликлар биздаги қайноқ иш-жонини бир дақиқа ҳам сўндирма олгани йўқ. Мақсад йўлида фақат илгари бормоқдамиз. Ахир, ёшлар қўлларинида яратини, яшнатинида борми-қана яна улутроқ нима бор? Ўз қўли билан чўлу-бисбонларда бот-роғлар яратсанг, инсон қўл тегизмаган бўз ерларда муҳташам биноларга пойдевор қўйсанг — келажак учун абадий ёдгорлик тикласанг, нақадар катта бахт!..

Азиз дугоналар, шовли комсомолларнинг тарих саҳифаларини бир нақардаб кўринг. Амуре тайгаларида табиат қайсарлигини тиз чўқитиб, азамат Комсомольск шаҳрини кўрган, у ердаги теозор дарёларни бўғиб, нур бузди-

ларини яратган, минг-минглаб машиналарни ҳаракатга келтирган қим? Матонатли, саботли комсомол-ёшлар! Қисқа вақт ичида Сибирь ва Қозғонгон чўлларида 35 миллион гектар ерни олтин бошоқлар денгизига айлантирган, миллиард-миллиард пух дон уй-лириб, буюк халқимиз, жонажон Коммунистик партиямиз ва ҳукуматимиз олдишга сазовор бўлган қим? Сиз билан биз, бизнинг келажакка бўлган қатъий ишончимиз!

Партия Мирзачўлни ўзлаштириш, бу ерда ҳам Комсомольск сингари аам шаҳар барпо этиш, чўл бағрига ёриб, оқ элтин бўстонларини яратиш тўғрисида катта қарор қабул қилди. Комсомол-ёшлар бутун совет халқи қатори ана шу тарихий планни тезроқ амалга ошириш учун отланди. Мирзачўлга келганимизга ҳали ҳеч вақт бўлгани йўқ, лекин ана шу қисқа вақт ичида бу ернинг қиёфаси ўзгариб кетди.

Дугоналар, Мирзачўлга келинг. Кечаги чўл ўрнида юзлаб муҳташам бинолар қад кўтармоқда. Ўн мингларча гектар пахта майdonлари очилмоқда. Янги совхозлар, колхозлар ташкил этилмоқда. Ўлар сизни кутапти. Келинг, дўстлар, дугоналар, қўли қўлга бериб, ана шу пахтазорларда меҳнат гаштини у-

райлик, илк баҳорда ялла ай-гиб, заводлар, иморатларга пойдевор қўйялик!

Сиз учун бу ерда ҳамма нарса муҳайё. Сизлар бу аам даргоҳда ўзингиз истаган касбада меҳнат қилишингиз, хоҳлаган ҳунарингизни ташлаб олишингиз мумкин.

Ҳадемай бу ўлкада институт ва техникумлар ҳам очилади, янги, катта театр би-нолари қад кўтаради. Хуллас, ҳамма-ҳамма нарса бўлади. Бизнинг ўзимиз биргаликда яратамиз.

Ер кўксига оғиб нурини эмиб, майсалар кўрмоқда. Бу баҳордан ишона... Мирзачўлга келинг, дугоналар, янги очган ерларимизга биргаликда қўнуб билим чигит акайлик. Тезроқ келинг, бахти ёшларимизни меҳнат сури-ли билан яйраб-пишаб ўтказайлик!

Хафиза ТУРАҚУЛОВА,
«Главгосхозгостепестрой» 1-қурилиш бошқармасининг то-кари.

Ҳарси ОХИТОВА,
«Дружба» совхозининг ишчиси.

Ибодатхон ФАЙЗУЛЛАЕВА,
Мирзачўл районидagi Ворошилов номли колхозининг сўт соғувчиси.

Валля ТАЛИКИНА,
«Главгосхозгостепестрой» 3-қурилиш-монтаж бошқармасининг десатини.

Совет хотин-қизлари — коммунизмнинг актив қурувчилари

Халқаро хотин-қизлар Кўни — 8 март бу йил совет хотин-қизларининг барча кўчаларини КПСС XX съезди томонидан қўйилган улутвор вази-фаларини, партия Марказий Комитетининг декабрь ва февраль Пленумлари қарорларини бажариш атам белиси остида, тинчлик, демократия ва социализм учун курашда бутун дунё хотин-қизларининг халқаро бирдамчилигини янада мустаҳкамлаш белиси остида иш-шоланмоқда.

Совет хотин-қизлари социалистик давлатнинг қудратини мустаҳкамлаш учун курашга, мамлакатимизда коммунизм курушидан иборат буюк ишга ўзларининг катта ҳиссаларини қўшмоқдалар. Иккимой, иккимой ва маънавий қўлқилдан абадий озо бўлган совет хотин-қизлари инсоният тарихида биринчи бўлиб ўзларининг ижодий қобилиятларини ривожлантиришлар, қаҳрамонона меҳнат қилиб, хўжалик, давлат ва ижтимоий-сиёсий ҳаётининг ҳамма соҳаларида ўз исте-додаларини намоян қилмоқдалар.

Халқаро хотин-қизлар Кўни — 8 Мартнинг бу сафар Улут Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги нишонланадиган йилда байрам қилинаётганлигини айниқса қувончлидир. Чунки Улут Октябрь-гина хотин-қизларнинг ҳуқуқий тенгсизлигини тамоман ва абадий тутатди, уларни жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоларига айлантирди.

Коммунистик партия Лениннинг кўрсатмаларини изчиллик билан амалга ошириб, хотин-қизларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш, уларни мамлакатнинг ижтимоий ва сиё-

сий ҳаётида қатнаштиришга доим жуда катта аҳамият бериб келмоқда. Қўйилган рақамлар хотин-қизларнинг халқ хўжалигида гоёт актив қатнашганликлариини аққол кўрсатиб беради. Республикаимиздаги Тошкент ва Фарғона тўғима-чилик комбинатларида ҳамда Мар-гилло шойи комбинатидагина 25 мингдан ортиқ хотин-қиз ишламоқ-да. Ўзбекистон саноатида хотин-қизларнинг салмоғи 45 проценти ташкил этади.

Колхоз тўғими миллион-миллион лекхон хотин-қизларини ижодий ме-натга сафарбар этиди. Хотин-қизлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-нинг гоёт катта кучи бўлиб қолди-лар. Республикаимизда 25 мингдан ортиқ хотин-қиз ферма музирлари, эвено бошқилари, бригадирлар, колхоз раислари бўлиб ишламоқда-лар.

Социалистик маданий қурилиш соҳасида ҳам хотин-қизларнинг ро-ли каттадир. Жуда кўп аёллар олим, инженер, педагог ва врачлар бўлиб ишламоқдалар. Бу эса эндиликда совет воқилиги учун кундалик ҳо-деса бўлиб қолди. Совет ҳокимияти хотин-қизларга фан ва маданият-нинг кенг йўлларини очиб берди, ўз таланти ва қобилиятларини ҳар тарафлама ўстира олишлари учун барча шароитларни яратиб берди. Ўзбекистонда хотин-қизлар ораси-дан совет интеллигенциясининг аjoyиб кадрлари етишиб чиқди. Республикаимизда 27 минг хотин-қиз ўқитувчи, 5 мингдан ортиқ хоти-қиз врач бўлиб ишламоқда. 16 аёл фан доктори, 400 дан ортиқ аёл фан кандидат бўлиб, улар бир қат-тор илмий масалаларни ҳал қилиш-да актив иштирок қилмоқдалар.

Республикаимиздаги маданий-оқарту-в муассасалари ходимларининг 40 проценти хотин-қизлар ташкил этади.

Партиямиз улут Лениннинг ва-сиятини амалга ошира бориб, хоти-н-қизларни давлатни бошқариш ишига кенг жалб қилмоқда. Ўз минглаб хотин-қизлар аjoyиб давлат арбоблари эканликлариини кўрсати-лар. Ўлар давлат аппаратининг барча бўғинларида актив фаолият

кўрсатишмоқдалар. Мамлакатимиздаги 348 хотин-қиз СССР Олий Совети-нинг депутатлари, 2 мингдан ортиқ хотин-қиз иттифоқчи ва автоном республика Олий Советларининг де-путатларидир. СССР Олий Совети депутатлари орасида 16 хотин-қиз Ўзбекистон вакилидир.

Бу йил халқаро хотин-қизлар Кўни — 8 март байрами давлат ҳокимиятининг маҳаллий органла-рига сайлов даврига тўғри келди. Минглаб хотин-қизлар сайлов кам-паниясида актив иштирок қилдилар, сайлов комиссияларининг составини сайлашди. Яқинда республика-миз маҳаллий Советларига 14 минг 395 хотин-қиз депутат қилиб сай-ланди.

Бутун республикаимиз меҳнаткам-лари сингари областимиз хотин-қиз-лари ҳам мамлакатимиз хўжалик, сиёсий ва маданий ҳаётида актив қатнашмоқдалар, коммунизм қуру-вчиларининг олдинги сафарларида бор-моқдалар.

Областимизда йигирмага яқин хо-тин-қиз шаҳар, қишлоқ ва посёла Советларининг раислари бўлиб иш-ламоқда. Яқинда бўлиб ўтган сайлов-да 2333 хотин-қиз област маҳал-лий Советларига депутат қилиб сай-ланди. Олий маълумотли 770 аёл соғлиқни сақлаш муассасаларида ва бошқа соҳаларда ишламоқда; 2986 аёл ўрта медицина ходими бў-либ ишламоқда. Ўқитувчилар бўлиб

ишлаётган 5082 хотин-қиз ёш ав-лода илм-фан асосларини ўргат-моқда, уни партияимизга, Ватаними-зга садоқат руҳида тарбиялamoқда. Октябрь районидagi Энгельс номли мактаб ўқитувчиси Тўхта Рашидова, Паркент районидagi Карл Маркс номли мактаб ўқитувчиси Қўмири Обидова, Бекбоб шаҳридаги 10-мактаб ўқитувчиси Зоя Новикова каби жуда кўп аёлларимиз халқ маорифининг актив ходимлари си-фатида шуҳрат қозондилар.

Ўтган йили мўл пахта ҳосили етиштирилганликлари учун областимиз хотин-қизларидан 680 киши ҳукумат орденлари ва медаллари билан му-кофотланди. 8 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак ун-вон олишга сазовор бўлди.

Бизнинг мамлакатимизда хотин-қизлар ишлаб чиқаришда ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида актив қатна-шиш билан бирга, ёш авлодни тар-биялашдек гоёт муҳим ва муқаддас вази-фани ҳам шараф билан бажар-моқдалар. Коммунистик партия ва Совет давлати хотин-қизларга ўз-ларининг ижтимоий-фойдал меҳ-натларини оналик бурчалари билан бивога қўшиб олиб боришлари учун кўп ғамхўрлик қилади. Мамлакатимизда кўп болани ва яқин оналарга моддий ёрдам тариқасида ҳамда сў-дақларнинг соғлом ва бақувват бў-либ улгайишлари учун давлат го-монидан катта маблағлар ажрати-лади. Масалан, биргина Тошкент об-ластиди шу мақсадларга ажратилган маблағ ўтган йили 42.778.533 сум-ни ташкил этиди. Тутруқоналар, аёллар ва болалар консултациялари, болалар ясилаари ва болаларининг кенг таомоллари барпо этилган. Ма-салан, Ўзбекистонда бир ярим минга яқин болалар яси ва болалариди 200 мингга яқин бола тарбиялamoқ-да. Республикада 3 мингдан ортиқ даволаш-профилактика муассасалари ва бошқа болалар муассасалари иш-лаб турибди.

Меҳнаткам инсон тўғрисида чи-накам ғамхўрлик қилиш бутун жа-мийат иши, умумдават иши бўлган бизнинг мамлакатимизда, социализм қураётган бошқа барча мамлакат-ларда хотин-қизлар ана шундай юк-сак даражада қадр топиб, назат-хурмат қилинмоқда.

Капитализм дунёсидagi хотин-қизларнинг аҳволи бутунлай бошқа-чадир. У ерда қашшоқлик, ҳуқуқ-сизлик меҳнаткам хотин-қизлар-нинг муҳим йўлдошидир. Лекин капитализм, мустамлака ва қарам мамлакатлардаги хотин-қизларнинг ҳуқуқсиз аҳволи, моддий жиҳатдан бепоҳол афр азоб-уқубат чекаётган-ликлари, империалистларнинг уруш-нинг муҳим йўлдошидир. Лекин капитализм, мустамлака ва қарам мамлакатлардаги хотин-қизларнинг ҳуқуқсиз аҳволи, моддий жиҳатдан бепоҳол афр азоб-уқубат чекаётган-ликлари, империалистларнинг уруш-нинг муҳим йўлдошидир. Лекин капитализм, мустамлака ва қарам мамлакатлардаги хотин-қизларнинг ҳуқуқсиз аҳволи, моддий жиҳатдан бепоҳол афр азоб-уқубат чекаётган-ликлари, империалистларнинг уруш-нинг муҳим йўлдошидир.

Дунё хотин-қизлари тинчлик учун, атом ва водород қуролларини тақиқлаш учун актив курашмоқда-лар. Ўларининг ўз болаларининг оёсайишта ҳаёти ва саодатли истиқ-болли учун курашда совет хотин-қиз-ларидан ўрнатилган.

Совет хотин-қизлари коммунизм қурилишининг доно Ленин партия-си белгилаб берган улут програм-масини амалга ошира бориб, мам-лакатининг халқ хўжалигини янада юксалтириш, социалистик маданият-ни гуллаб-йиллашш учун булдан бўён ҳам бутун куч-ғайратларини сафарбар қилмоқдалар.

Х. САМАТОВА,
юрidik фанлар наидиати.



Тошкент тўқимачилик комбинатида кўп йиллардан бери самарали ишлаб келаётган ва кун сайин хўшлаб етишиб чиқаётган ишлаб чиқариш новаторларининг қўнчилигини хотин-қизлар ташкил этади. Суратда: комбинатнинг бир гурупи ишлаб чиқариш илгорлари — (чапдан) буюк қайнатки пехинини маҳинисти Зоя Шалатина, чигта гул босиш пехининг браковщикни Нина Конобеская, гул босиш пехининг маҳинисти Фотима Кабирова, лента тўғириш пехининг бошлиғи Фариди Шомансурова, йигирувчи Анастасия Криженкова, тайёр маҳсулот сифатини текширувчи Ҳамида Ҳамидуллаева ва сьёмшчица Муаттар Полвонова ўртоқлар.

